



## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ИШТИРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**Мирсаатов Санжарали Имамалиевич**

*Юнусобод тумани ИИО ФМБ Ташкилий бўлим бошлиғи*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ишида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситаларининг ўрни тушунчаси, бугунги ҳолати, ҳуқуқий асослари, асосий хусусиятлари, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга бағишланган олимлар, мутахассислар ва амалиёт ходимларининг фикрлари, мавзуга доир махсус адабиётлар, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган омиллар, натижаларни кўрсатувчи статистик маълумотлар, илғор хориж тажрибаси ўрганилиб таҳлил қилинган ҳамда бу борада эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш ва фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, оммавий ахборот воситалари, асосий хусусиятлари, махсус адабиётлар, статистик маълумотлар

Фуқаролик жамиятини такомиллаштириш уларда жамият ҳаётига дахилдорлик хиссини уйғотиш бугунги куннинг, замоннинг талаби шуни тақазо этмоқда. Ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда фуқаролик жамиятини қуриш заруратга айланиб бораётганлиги фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли Россия Федерациясида замонавий фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омилга айланди, демократияни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш қийин эканлигига жаҳонда амалга оширилаётган ўзгаришлар кўрсатиб турибди. Ана шундай ўзгаришларни амалга ошириш ва аҳолининг турмиш даражасини яхшилаш давлат муассасалари ва жамоат органлари ҳамда аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқаларни ва ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, аввало иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ, миллий ва минтақавий муаммолар тинч йўл билан ҳал этишда уларнинг ҳисса каттадир.

Жорий йил 30 майда Андижон шаҳрида, январь ойида Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ички ишлар ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар кечириб бўлмас ҳолатдир. Бу тизим шаънига катта доғ туширди. Уларнинг хатти-ҳаракати – халқнинг кенг муҳокамасига, ички ишлар органларига нисбатан салбий фикрлар шаклланишига ва тизимда ҳалол ишлаётган минглаб ходимлар меҳнатини пучга чиқаришга сабаб бўлди. Барчанинг эътиборини шунга қаратмоқчиманки, агар ички ишлар бўлимига олиб келинган шахсга нисбатан жароҳат етказилганлиги аниқланса, бу



фавқулудда ҳодиса сифатида баҳоланади. Зудлик билан ишчи гуруҳ тузилиб, воқеанинг барча тафсилотлари ўрганилади. Илгари бундай салбий ҳолатлар оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилмасди, аҳоли хабардор этилмасди ва бу бизнинг фаолиятимизга холис баҳо беришга қайсидир маънода тўсқинлик қиларди. Ички ишлар органлари ходимлари орасида, афсуски, ўзиникини тўғри, деб билиб, нотўғри йўлдан бораётган, ўз манфаатларини халқ манфаатларидан устун қўядиган, адашган ходимлар ҳам учрамоқда. Бундайларни аниқлаб, тизимдан бўшатяпмиз, уларнинг раҳбарларига нисбатан интизомий чоралар кўряпмиз. Хусусан, жорий йилда бевосита вазирликнинг ўз хавфсизлиги хизмати ходимлари ташаббуси билан фуқароларни ноқонуний ушлаб, зўравонлик қилиш билан боғлиқ 5 ҳолат аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чора кўриш учун материаллар прокуратура идораларига юборилди. Жорий йилнинг ўтган даврида Ички ишлар вазири, вазир ўринбосарлари, вазирликнинг соҳавий хизматлари раҳбарларининг ҳар бири жойларда икки-уч марта энг қуйи бўғинда хизмат қилаётган сафдор ходимларгача бўлган даражадаги шахсий таркиб билан тарбиявий-профилактик йиғилишлар ўтказди. Тадбирларнинг якуни бўйича хизмат интизомини бузувчи 822 нафар ходимнинг хатти-ҳаракатлари меҳнат жамоалари ва ходимларнинг оила аъзолари ва ота-оналари иштирокида кўриб чиқилди. Натижада 173 нафари тизимдан бўшатилади, 114 нафари эгаллаб турган лавозимдан озод этилди, 65 нафар раҳбарлар ротация қилиниб, бошқа лавозимларга ўтказилди. Шу билан бир қаторда ўзининг кундалик хизмат фаолияти давомида бошқарларга намуна бўлиб келаётган ходимларнинг ота-оналарига миннатдорчилик билдирилиб, ташаккурномалар эълон қилинди. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик мақсадида барча ички ишлар органларида жами 473 та алоҳида махсус хона ташкил этилди. Ҳозирда уларнинг барчаси узлуксиз ишлайдиган видео ва овоз ёзиш мосламалари билан таъминланган. Эндиликда ички ишлар органларига олиб келинган ҳар бир фуқаро билан фақат шу хонада суҳбат ўтказилиши ва сўроқ қилиниши ҳамда ушбу жараён видеокамераларга узлуксиз ёзиб олиниши қатъий белгилаб қўйилди. Бу ишлар учун жойлардаги ички ишлар органининг биринчи раҳбари ва тергов бўлими бошлиғи шахсан масъул этиб белгиланиб, жараён қаттиқ назоратга олинди. Бугунги кунда амалиётда учраётган муаммолар ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш натижасида, тергов сифатини ошириш мақсадида ёш терговчиларни камида икки ой давомида суд амалиётини ўташ тартиби жорий этилмоқда. Натижада терговчи суд муҳокамасида юзага келаётган муаммоли вазиятларни ўз кўзи билан кўриб, келгусида терговни ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб боришда эътиборга олиши лозим бўлган барча жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади. Муҳими, мазкур амалиёт процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш учун замин яратади.



Россия федерациясида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли фаолияти турли хил соҳаларда - ижтимоий, маданий, маърифий, уй-жой-коммунал хизматлари, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда намоён бўлади. Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, халқаро стандартларни ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролик жамиятини жадал ва босқичма-босқич ривожлантириш, давлат-жамоат муносабатларини демократлаштириш йўлидан бошлаган ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий салоҳиятини юксалтириш жараёни кафолати ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Россия федерациясида ички қонунчиликда ҳуқуқий мақомни тартибга солиш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиби, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлар шакллари таъминлайдиган кенг қамровли умумий нормалар мавжуд. Шунингдек, айрим фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ёшлар ва болалар жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, адвокатлик тузилмалари, иш берувчилар ташкилотлари, ногиронлар ва бошқаларнинг фаолиятини тартибга солувчи бир қатор махсус қонун ҳужжатлари мавжуд.

Фуқаролик жамияти институтлари секторини жадал ривожлантириш, уларнинг иш шароитини, ҳуқуқий мақомини узлуксиз такомиллаштириб борилмоқда.

Россия Федерацияси ва Федерал даражадаги бошқа хорижий давлатларда конструктив мулоқот ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда Ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорлик фуқароларни қарор қабул қилиш ва уни амалга оширишда иштирок этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтлари самарали фаолият кўрсатишининг муҳим шarti ҳисобланади. Уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ўз ичига олган бош ғоя мамлакатнинг миллий мақсадларига эришиш ғоясидир.

Оммавий ахборот воситалари ва аҳолининг Ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва қайта кўриб чиқиш масалалари демократик давлат принципларини амалга ошириш учун долзарб аҳамиятга эга масаларлардан деб қаралади.

Оммавий ахборот воситалари ва аҳолининг Ички ишлар органлари билан ҳамкорликдаги фаолиятида юзага келаётган муаммоларни илмий жиҳатдан аниқлаш даражасига катта этибор қаратилмоқда.

Ички ишлар органларининг оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорликдаги фаолиятининг самарасини ошириш Фуқаролик жамиятининг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал этишда ушбу институтларнинг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиши, давлат билан ўзаро



муносабатлари, шакллари, унинг муассасалари таркиби ва таснифи каби омиллар инобатга олинади.

Шу билан бирга, Россия федерациясида амалга оширилаётган замонавий полиция ислохотлари шароитида давлат органлари хусусан Ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ва муаммолари илмий адабиётларда этарли даражада ўрганилмаган.

Россия федерациясида ҳам худди бизники каби фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳолининг полиция билан ўзаро муносабатлар жараёни энди ривожланиб келаётган маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Россия Федерациясида ҳамкорликка киришилишдан олдин Ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлар, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ўзаро муносабатларида маъмурий-ҳуқуқий камчиликларни аниқланади. ҳамкорлик Россия Федерацияси қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлар, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигини кафолатловчи, тартибга солувчи ва таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва механизмлар ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ этилган.

Ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳолининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида Россия Федерациясида маъмурий ва ҳуқуқий жиҳатдан устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳолининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг давлат-ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқилган ҳамда таҳлил қилиниб борилади.

Ушбу субъектлар ўртасидаги ҳамкорликнингнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси Россия Федерацияси Конституциясида, федерал қонунларда, Федерация субъектларининг қонунларида, Россия Федерацияси Президентининг фармонларида, Россия Федерациясининг Ҳукуматининг қарорларида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ички ишлар органлари фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорликда маъмурий, расмий ва бошқа соҳаларида кенг илмий ва монография семинар тренинглари ташкил этади.

Россия Федерациясининг ҳуқуқ ижодкорлигида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти



институтлари , оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳолининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқишга катта эътибор берилади.

Ҳамкорликни самарали ташкил этиш- давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари , оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда, асосий муаммоларини аниқлашда намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда Россия Федератсияси қонунчилигида ҳамкорликни тартибга солувчи ва уни амалга ошириш бўйича концепсия мавжуд эмас ҳамда у давлат органлари, хусусан Ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлари , оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли ўртасида ривожланаётган маъмурий ва ҳуқуқий муносабатларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ички ишлар органларининг оммавий ахборот воситалари ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шакллари таҳлил қилиш бундай шаклларнинг иккита турини ажратиш имконини бери:

Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолият юритиши ва ривожланишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш. Ушбу турдаги муносабатлар учун қуйидаги шакллар тегишлидир : Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳолига солиқ имтиёзлари бериш. Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳолини молиявий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш. Уларга имтиёзли равишда давлат томонидан биноларни ижарага бериш. Ер майдони бўлмаган фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳолини ер участкалари билан таъминлаш. Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли томонидан мол-мулк ёки бошқа бинолар, иншоотлар, муассасаларни, шаҳар мулкни бепул трансферини йўлга қўйиш. Имтиёзли кредитларни бериш. Ахборот консултатсия ёрдами ва бошқа ёрдам турларини тақдим этишни ўз ичига олади.

Давлат ва коммунал дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш уларни мамлакатни модернизация қилишда фаол иштирокини таъминлаш. Буларнинг ҳаммасини фуқароларнинг эркин бирлашмаси ҳисобланган фуқаролик жамияти институтлари орқали жалб этиш. Юритиши учун етарли ҳуқуқий кафолат шароити яратиш. Буларнинг ҳаммасини фуқароларга профилактика инспекторлари орқали етказиш кўзда тутилади.

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг хавсизлигини уларнинг мол-мулкни талон-тарож бўлишига йўл қўймасликнинг энг асосий йўлларида бири Ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий



ахборот воситалари ва ахоли билан ҳамкорлигини такомиллаштириш ва самарали йўлга қўйиш деб қаралади. Россия Федератсияси қонунчилигига кўра Ички ишлар органлари ходимини қобилиятсиз, эгаллаб турган лавозимига нолайиқ деб топишда маъмурий ва ҳуқуқий асослари билан биргаликда фуқаролик жамияти институтлари ва ахолининг фикри ҳам инобатга олинади. Ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва ахолининг ҳамкорлик механизмларини такомиллаштираш бўлган конституциявий, ҳуқуқий ва халқаро мақсадларнинг самарасиз амалга оширилишига сабаб бўлади ва уларнинг кафолатлари йўқолади, деб қаралади. Бунинг оқибатида Россияда фуқаролик жамиятининг ривожланишига ва давлат органлари фаолияти хусусан, Ички ишлар органлари профилактика хизматлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга салмоқли салбий таъсир кўрсатади. Давлат рўйхатга олиш, кадастр ва картография федерал хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган ва ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан ўрнатилган давлат назоратининг алоҳида тартиби - ижтимоий йўналтирилган ўзини ўзи бошқариш органларининг катта қисмининг фаолиятига маъмурий тўсиқлар келтириб чиқармоқда, деб ёзилмоқда илмий адабиётларда. Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва ахолининг фаолиятини давлат назоратидан ажратувчи ёндашув- ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги ташкилотларнинг фаолият доираси ва йўналишига қараб, савдо, қурилиш, аудит фаолиятларини молиялаштириш манбаларига ва уларнинг катталигига қараб тақсимлаш тамойилига асосланиши керак деб қаралади.

Асосий эътибор фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва ахоли ҳаётида муайян ижтимоий хизмат кўрсатишни молиялаштиришга йўналтирилади. Ижтимоий соҳадаги бюджетнинг асосий қисми, давлат муассасалари молиялаштириш шаклида тақсимланиши керак эмас. Давлатнинг 9 шаклида ҳам шартномалар шаҳарлар ва давлатлар билан ҳам тузилади.

Юқорида қайд этилган масалалар юзасидан жорий йилнинг 23 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатада кўмитамиз ташаббуси билан ташкил этилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Миллий ОАВ фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида илғор демократик стандартларга мос мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ахборот соҳасида самарали бўлган бир қатор қонунлар “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонунлар билан бир қаторда сўнгги йилларда миллий ОАВнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ана шундай



муҳим ҳужжатлардан бири юртбошимиз томонидан илгари сурилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бўлди. Давлат идораларининг фуқаролар олдидаги ҳисобдорлиги бўйича конституциявий қонданнинг амалий механизмини ўзида акс эттирган ушбу қонун оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, жамиятдаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш, аҳолини ишончли ва тезкор ахборотлар билан таъминлашнинг янги имкониятларини очиб берди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг замирида, аввало, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари турибди, - дейди П.Бобожонов. - Бугун барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, Ички ишлар вазирлиги ҳам халқ манфаатларига хизмат қилиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, жиноятчиликка қарши мурасасиз курашиш йўлида фаолият юритмоқда. Эскича иш услубидан воз кечилиб, Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган талаблар асосида иш олиб борилмоқда. Тўғри, янгича иш услубига мослаша олмаётган ходимлар ҳам учраб турибди. Аммо уларнинг ўрнини ватанпарвар, замонавий фикрлайдиган кадрлар билан тўлдиришга эътибор қаратилмоқда. Ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қиладиган ижтимоий тузилмага айлантириш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, 6 қонун, Президентимизнинг 7 фармони ва 40 қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 89 қарори ҳамда 160 дан зиёд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Шу асосда маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини кучайтириш мақсадида ички ишлар органларининг қўйи бўғинлари мустаҳкамланди. Хусусан, вазирлик ва ҳудудий бошқармаларини мавжуд штат бирликларининг 85 фоизи қисқартирилиб, қўйи тизим ички ишлар бўлимларига қайта тақсимланди. 30 туман-шаҳарда ҳудудий ички ишлар органларининг 160 ички ишлар бўлим (бўлинма)лари ташкил этилди. Энг муҳими, ички ишлар органлари ўз хизмат фаолиятини парламент ва жамоатчилик назорати остида олиб бориши қатъиян белгиланди. Яъни, Ички ишлар вазири Сенатга йилда икки маротаба ахборот бериши, ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари Халқ депутатларининг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ҳар чоракда, туман-шаҳар ИИБ бошлиқларининг ёшлар бўйича ўринбосарлари халқ депутатлари шаҳар-туман кенгашларига, профилактика инспекторлари эса маҳалла аҳолисига ҳар ойда ҳисобот бериб бориши йўлга қўйилди. Аҳолининг барча қатлами билан манзилли иш олиб бориш мақсадида мурожаатлар билан ишлаш бўйича 256 инспектор, хотин-қизлар масалалари бўйича 364 катта инспектор лавозими жорий этилди. Жойлардаги ички ишлар органларида 89 штат бирлигидан иборат психологик таъминлаш гуруҳлари ташкил этилди. Маҳаллаларда фуқароларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш,



уларга янада яқинлашиш мақсадида ҳудудий ички ишлар органларига маҳаллий бюджет ҳисобидан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳудудий бўлинмаларига қўшимча 459 профилактика (катта) инспектори лавозимлари жорий этилди. Фуқаролар йиғинларида ҳуқуқ-тартибот ишларини самарали ташкил этиш ва уларнинг қамровини кенгайтириш мақсадида ички ишлар органлари таркибига қўшимча жами 2 минг 570 профилактика (катта) инспектори штат бирликлари ажратилди. Ҳудудларнинг ўзига хос тажрибалари сифатида Тошкент шаҳрида “Хавфсиз пойтахт”, Андижон вилоятида “Намунали ҳудуд”, Бухоро вилоятида “Хотин-қизлар билан ишлаш”, Фарғона вилоятида “Ёшлар билан ишлаш”, Бўка туманида “Президентнинг бешта ташаббуси”, Жиззах вилоятида “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати”, Сирдарё вилоятида “Жиноятдан ҳоли маҳалла” концепциялари ҳаётга татбиқ этилди. Тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиб, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз ҳудуд”, “Хавфсиз туризмни таъминлаш”, “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш”, “Хавфсиз хонадон” концепциялари амалга оширилмоқда.

Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида сиз, матбуот аҳлининг фидокорона меҳнат қилаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Сизлар каби минг-минглаб олижаноб касб эгаларининг саъй-ҳаракатлари, истеъдод ва маҳорати билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқимиз ҳаётига, унинг қувонч ва ташвишларига тобора яқин бўлиб, Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфасини шакллантиришда ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 4 баробар кўпайиб, 1500 тага етгани ушбу тармоқда ўсиш, ўзгариш жараёнлари изчил давом этаётганидан далолат беради. Энг муҳими, соҳа ривожидан ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Бунинг тасдиғини миллий медиа майдонимизда фуқаролик жамиятининг муҳим шarti бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи кенгайиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, интернет журналистикаси жадал ривожланиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин. Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини, маҳаллий газеталар, теле-радиоканалларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта. Газеталаримиз, теле-радиоканалларимизда ошкоралик, таҳлил ва холис танқид руҳи кучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан





тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Бугун биз дунёдаги узоқ-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканмиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз. Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур. Бу – замон талаби, ислохотларимиз талаби. Биринчи навбатда медиа тармоқлари фаолияти самарасини ошириш, уларни халқ билан мулоқотнинг ишончли воситасига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш сингари долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Фуқароларда жиноятларга нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантиришда ва оз муддатда "давлат-жамоат бирлашмалари" ҳуқуқий талқин яратиш ва уни кенг оммага етказишда профилактика хизматлари билан фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳолининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Қонунчиликни мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида хулосалар асосида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, корпоратсиялар Федерал Қонунларда белгилаб берилган ваколатлари доирасида тегишли Ички ишлар органлари профилактика хизматлари билан ҳамкорликни амалга оширади. "Жамоат бирлашмалари тўғрисида" Федерал қонунни бунга мисол қилиб олиш мумкин. "Давлат-жамоат бирлашмаси" тушунчаси, жамоат бирлашмалари функционал фарқлари ҳақида аниқ тушунча беради (масалан, давлат ёки маҳаллий бошқарув органлари, давлат ташкилотлари ёки шаҳар ташкилотлари ва таъсисчилар таркибига кирадиган муассасалар) бўлмаган фуқаролик жамияти институтларида маблағнинг айрим турларини кам таъминланган оилалар боқувчисини йўқотган оилалар ота-она қармоғидан ажралган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам беришга қаратилади.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2019. – 76.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2019.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2019.
- 4.Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Т., 2007.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.–Т., 2004.



6.Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция // БМТ Бош Ассамблеяси 20 ноябрь 1989 й.Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган.

7.Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги 1997 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –1997. –№ 11-12. –295 -м.

8.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 1997 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –1997. –№ 9. –225-м.